



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА КВАНИЛ®

Препаратнинг савдо номи: Кванил®

Таъсир этувчи модда (ХПН): цитиколин

Дори шакли: орал қўллаш учун эритма

Таркиби:

1 мл эритма қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: цитиколин натрий 100 мг цитиколинга эквивалент;

ёрдамчи моддалар: сорбит эритмаси (сорбит Е420), глицерин, натрий метилпарагидроксибензоат (Е 219), натрий пропилпарагидроксибензоат (Е 217), пропиленгликоль, натрий цитрат 2Н₂О, сахарин натрий, калий сорбат, қулупнай таъм қўшимчаси, сувсиз лимон кислотаси, тозаланган сув.

Таърифи: тиник рангсиз суюқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Бошқа психостимуллайдиган ва ноотроп препаратлар.

АТХ коди: N06BX06

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Цитиколин нейронлар мембраналари таркибий фосфолипидлари биосинтезини кучайтиради, бу магнитли-резонанс спектроскопия маълумотлари билан тасдиқланган. Бундай таъсир механизми туфайли цитиколин нерв импульслари меъёрий ўтказилиши учун керакли модуляцияли ион алмашинуви насослари ва рецепторлари ишлаши каби мембрана механизмлари фаолиятини яхшилайдди. Цитиколин нейронлар мембранасига стабиллайдиган таъсири туфайли шишга қарши хусусиятларни намоён қилади, улар мия шишини камайтиришга ёрдам беради.

Экспериментал тадқиқотларда цитиколин айрим фосфолипаз (А1, А2, С ва D) фаоллашувини сусайтириши, эркин радикаллар пайдо бўлишини камайтириши, мембрана тизимлари бузилиши олдини олиши ва глутатион каби антиоксидант ҳимоя тизимларини сақлаши исботланган.

Цитиколин нейронлар энергия захирасини сақлайди, апоптозни сусайтиради ва ацетилхолин синтезини рағбатлантиради.

Экспериментал тадқиқотларда цитиколин бош мия фокал ишемиясида профилактик нейропротектор таъсирини намоён қилиши ҳам исботланган.

Клиник тадқиқотларда цитиколин ўткир даражали мия қон айланиши ишемик бузилиши бўлган пациентларда функционал тикланишни асосли ошириши исботланган, бу нейровизуализация маълумотларига кўра, бош мия ишемик шикастланиши ҳажми ўсишини секинлаштириш билан бир хил бўлади.

Бош-мия жароҳати бўлган пациентларда цитиколин тикланишни тезлаштиради ҳамда посттравматик синдромнинг давом этиш муддати ва жадаллигини камайтиради.

Цитиколин бош мия ишемияси билан боғлиқ когнитив ва неврологик бузилишларни, эътибор ва англаш даражасини яхшилайдди, амнезия намоён бўлишини камайтиришга ёрдам беради.

Фармакокинетикаси

Цитиколин перорал юборилганида деярли бутунлай сўрилади. Препарат юборилганидан сўнг қон плазмасида холинлар даражаси сезиларли ошиши кузатилади.

Препарат ичакларда ва жигарда холин ва цитидин пайдо бўлган ҳолда метаболизмга учрайди. Цитиколин юборилганидан сўнг холин фракциялари таркибий фосфолипидларга ҳамда цитидин фракциялари цитидин нуклеотидлари ва нуклеин кислоталарига тез қўшилган ҳолда бош мия тузилмаларида кенг тарқалади. Бош мияда цитиколин фосфолипидли фракция таркибига қўшилган ҳолда хужайравий, цитоплазматик ва митохондриял мембраналар ичига ўрнашади.

Дозанинг фақат кам миқдори (3% дан камроқ) сийдикда ва ахлатда аниқланади. Дозанинг тахминан 12% CO_2 чиқариладиган нафас орқали чиқарилади. Препарат сийдик билан чиқарилиш вақтида икки босқич ажратиб кўрсатилади: биринчи босқич – 36 соат давомида чиқарилиш тезлиги тез камаяди, иккинчи босқич – чиқарилиш тезлиги анча секинроқ камаяди. Нафас олиш йўллари орқали чиқарилишда ҳам шундай босқичлар кузатилади. CO_2 чиқарилиш тезлиги тахминан 15 соат давомида тез камаяди, сўнгра анча секинроқ камаяди.

Қўлланилиши

- Инсулт, мияда қон айланиш бузилишлари ўткир даражали босқичи ҳамда мияда қон айланиш бузилишлари асоратларини ва оқибатларини даволаш.
- Бош-мия жароҳати ва унинг неврологик оқибатлари.
- Когнитив бузилишлар ҳамда сурункали қон томирлар ва дегенератив церебрал касалликлар оқибатида хатти-ҳаракат бузилишларида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Кванил® препарати, овқатланишдан қатъи назар, ичга қабул қилинади. Катта ёшдаги пациентлар учун тавсия этиладиган доза суткада 500 мг (5 мл) дан 2000 мг (20 мл) гача миқдорни ташкил этади, уни симптомларнинг оғирлик даражасига қараб, 2-3 марта қабул қилишга ажратиш керак.

Олдиндан кам миқдорли сув билан аралаштирилган препарат ўлчов стаканчаси ёрдамида қабул қилинади. Ҳар бир қўлланишдан сўнг ўлчов стаканчаси сув билан ювиб ташланиши керак. Дозаларни ўлчаш учун бир марта ишлатиладиган пластик игнасиш шприцдан фойдаланиш мумкин.

Препарат дозалари ва даволаш муддати мия шикастланишининг оғирлик даражасига боғлиқ бўлади ва шифокор томонидан яқка тартибда белгиланади.

Кекса ёшдаги пациентларга дозага тузатиш киритиш талаб қилинмайди.

Болалар

Препаратнинг болаларга қўлланилиш тажрибаси чекланган.

Ножўя реакциялар

Нерв тизими томонидан: кучли бош оғриғи, вертиго, галлюцинациялар.

Юрак-қон томир тизими томонидан: артериал гипертензия, артериал гипотензия, тахикардия.

Нафас олиш тизими томонидан: ҳансираш.

Овқатни ҳазм қилиш йўли томонидан: кўнгил айланиши, қайт қилиш, диарея.

Иммун тизим томонидан: аллергия реакциялар, шу жумладан: тошма, гиперемия, экзантема, эшакеми, пурпура, қичишиш, ангионевротик шиш, анафилактик шок.

Умумий реакциялар: титраш.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Цитиколинга ёки препаратнинг бошқа таркибий моддаларига юқори сезувчанлик.
- Парасимпатик нерв тизими юқори тонусида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Цитиколин леводопа таъсирини кучайтиради. Препарат меклофеноксатни сақлайдиган дори препаратлари билан бир вақтда буюрилмаслиги керак.

Махсус кўрсатмалар

Агар пациентда айрим қанд моддаларига ўзлаштиралмаслик аниқланган бўлса, ушбу дори препаратини қабул қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш керак, чунки препарат сорбит эритмасини сақлайди. Препарат таркибида сақланадиган натрий пропилпарагидроксибензоат (Е 217), натрий метилпарагидроксибензоат (Е 219) аллергия реакцияларни (эхтимол, секинлашган) чақириши мумкин.

Ҳомиладорлик ва кўкракдан эмизиш даврида қўлланилиши

Ҳомиладор аёлларга цитиколин қўлланилишига доир етарлича маълумотлар йўқ. Цитиколиннинг кўкрак сутига экскрецияси ва унинг ҳомилага таъсири юзасидан маълумотлар номаълум. Ҳомиладорлик ёки кўкракдан эмизиш даврида препарат фақат она учун кутиладиган терапевтик фойда ҳомила учун потенциал хавфдан юқори бўлган ҳолатда буюрилиши мумкин.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Айрим ҳолатларда марказий нерв тизими томонидан баъзи ножўя реакциялар автотранспортни бошқариш ёки мураккаб механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир этиши мумкин.

Дозанинг ошириб юборилиши

Дозанинг ошириб юборилиши ҳолатлари тўғрисида маълум қилинмаган.

Чиқарилиш шакли

30 мл дан эритма флаконда. Ҳар бир флакон картон ўрамда тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома ва ўлчов стаканчаси билан бирга жойлаштирилган.

Сақлаш шароити

Оригинал ўрамида, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Музлатманг ва совутманг. Сақлаш пайитида енгил опалесценция пайдо бўлиши мумкин, дори хона ҳароратида ($\approx 20^{\circ}\text{C}$) ушлаб турганда йўқолади.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан берилиш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

«КУСУМ ФАРМ» МЧЖ.

Манзили

40020, Украина, Суми вилояти, Суми шаҳри, Скрыбин кўчаси, 54 .

Рўйхатга олиш гувоҳномаси эгаси

«ГЛЕДФАРМ ЛТД» МЧЖ.

Манзили: Украина, 02092, Киев ш., Днепровский тумани, Алма-Атинская кўчаси, 58-уй.

Ўзбекистон Республикаси худудида дори препаратларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Халка Йули кўчаси, 91-уй.

Тел.: + (99878) 150-97-97; факс: +(99878) 150-97-87

Уяли тел.: +(99893) 388-87-82

Email: pv@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz